

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮСУПОВ АБДУЛАЗИЗ АБДУЛЛАЖАНОВИЧ**

**ПЎЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕЙИЛИШГА БАРДОШЛИЛИГИНИ  
ЦИКЛИК ТЕРМИК ИШЛОВ БЕРИШ УСУЛИДА ОШИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси. Камёб, нодир ва радиоактив элементлар технологияси (Қуймачилик ва металларга ишлов бериш технологияси йўналиши)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Content of the abstract of dissertation of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Юсупов Абдулазиз Абдуллажанович**

Пўлат маҳсулотларини ейилишга бардошлилигини циклик термик ишлов  
бериш усулида ошириш технологиясини такомиллаштириш.....3

**Юсупов Абдулазиз Абдуллажанович**

Совершенствование технологии повышения износостойкости стальных  
изделий методом термоциклической обработки.....21

**Yusupov Abdulaziz Abdullazhanovich**

Improving the technology of increasing the wear resistance of steel products by the  
method of thermal cycling .....37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....41

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮСУПОВ АБДУЛАЗИЗ АБДУЛЛАЖАНОВИЧ**

**ПЎЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕЙИЛИШГА БАРДОШЛИЛИГИНИ  
ЦИКЛИК ТЕРМИК ИШЛОВ БЕРИШ УСУЛИДА ОШИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга  
термик ва босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар  
металлургияси. Камёб, нодир ва радиоактив элементлар технологияси  
(Қуймачилик ва металларга ишлов бериш технологияси йўналиши)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/T1432 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Бердиев Дороб Муротович**  
техника фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:** **Норхуджаев Файзулла Рамазанович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Рискулов Алимжон Ахмаджанович**  
техника фанлари доктори, профессор


**Етакчи ташкилот:** **Навоний давлат кончилиқ институти**


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.T.03.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «18» июнь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси, 2. Тел./факс: (+998971) 227-10-32; e-mail: [tadqiqotchi@edu.uz](mailto:tadqiqotchi@edu.uz)).


Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№209 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўчаси-2. Тел: (998971) 227-10-32).

Диссертация автореферати 2021 йил «5» июнь тарқатилди (2021 йил «5» июндаги №123 рақамли реестр баённомаси).



  
**К.А. Каримов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

  
**Ш.Б. Ташбулатов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
техника фанлари бўлими фалсафа доктори, PhD

  
**Ф.С. Абдуллаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида машинасозлик саноатида қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш ва эҳтиёт қисимларини етказиб беришда корхоналар пўлатдан тайёрланган деталларнинг асосий ишчи юзаларининг ейилишга бардошлилигини таъминлашда циклик ишлов бериш технологиясини қўллаш, хизмат муддатини ошириш учун дислокация зичлигининг ўзгаришини таъминлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда. Бу борада пўлатдан тайёрланган деталларга циклик термик ишлов беришда энергия ва ресурс тежамкорликни таъминлайдиган ҳамда деталларнинг ейилишбардошлилигини термик ишлов беришдаги ток частотасини ўзгартириш асосида ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда пўлатдан тайёрланган деталларга ишлов беришда структурадаги фаза ўзгариш жараёнларини таъминлашга асосланган термик ишлов бериш усули билан уларнинг хоссаларини ошириш бўйича кенг қўламда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга термик ишлов бериш жараёнларида қўлланиладиган электр энергиясини ноанъанавий термик ишлов бериш усуллари билан алмаштириш асосида энергия тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу йўналишда пўлатларнинг таркибига легирловчи элементлар қўшмасдан (легирламасдан), юқори частотали ток ёрдамида термик ишлов бериш қурилмасидан фойдаланиб, деталларнинг ейилишга бардошлилигини ва хизмат муддатини ошириш учун фаза ва структура ўзгаришларини таъминлашга асосланган термик ишлов бериш усуллари ва технологияларини такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Республикада машинасозлик деталларининг эксплуатацион хоссаларини, жумладан уларни термик ишлов бериш ёрдамида ейилишга бардошлилигини ва хизмат муддатини ошириш, термик ишлов бериш технологияларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришда материал сарфини камайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш...»<sup>1</sup> вазифаси белгилаб берилган. Шу нуқтайи назардан, фаза ва структура ўзгаришларини таъминлашга асосланган, ресурс ва энергия тежайдиган термик ишлов бериш усуллари ва технологияларни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июлдаги ПҚ –3117-сон «Қишлоқ хўжалигида машинасозлик соҳаси илмий-техника базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 4 январдаги ПҚ – 3459-сон «Қишлоқ хўжалигининг техник жиҳозланиш даражасини янада ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2018 йил 10 майдаги ПҚ – 3712-сон «Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалиги

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

техникаси билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳоннинг етакчи олимлари, жумладан АҚШ тадқиқотчилари В.Ф. Закей, Е.Р. Паркер, Ф.Б. Пикеринг пўлатларни юқори ҳароратларда циклик қиздиришда фаза ўзгариши унинг хоссасига таъсирини аниқлаган, Англия тадқиқотчилари Ж. Ивенсон, А. Филловинлар ноанъанавий циклик қиздириб термик ишлов беришдаги фазали ўзгаришларнинг фундаментал қонуниятларини яратган, Канада олими Ж.Д. Эмбьюри пўлатларнинг хоссасини ошириш бўйича ноанъанавий термик ишлов бериш усулларини тавсия этган, Ҳиндистон тадқиқотчилари Ravi Kiran, Jalaj Kumar, Vikas Kumar кам углеродли пўлатларнинг циклик қиздириб термик ишлов бериш ёрдамида зарбий қовушқоқлигини ошириш технологиясини ишлаб чиқишган.

МДХ давлатлари тадқиқотчилари Н.Г. Александров, Е.Л. Милославская, Г.А. Ткаченко, М.И. Гольдштейн, С.С.Дьяченко, Т.И.Табатчиқова, В.И. Асташенко, Д.А. Жуков, В.Д. Садовский, Т.М. Пугачева томонидан пўлатларни турли ҳароратларда қиздиришдаги фазали ўзгаришлар, юқори ҳароратда термик ишлов берилганда ҳосил қилинган структураларнинг пўлатларнинг механик хоссасига таъсири аниқланган. Ўзбекистон тадқиқотчилари А.А.Мухамедов, Д.М.Бердиев, Ф.Р. Норхужаев, Б.К. Тилабов ва бошқалар пўлатларга ноанъанавий усулда циклик қиздириб термик ишлов бериш асосида механик хоссаларини ошириш технологияларини ва экстремал ҳароратда тоблаш ҳамда икки марта фазали қайта кристалланиш усули билан ейилишбардошлилигини ошириш усулини ишлаб чиқишган.

Пўлатларга циклик қиздириб термик ишлов беришда: дислокация зичлигини оширувчи ва у орқали ейилишга бардошлиликка таъсир қилувчи; қиздириш вақти, легирловчи элементларнинг таъсири ва қиздириш цикллари сони тўғрисида тадқиқотлар амалга оширилмаган. Шу билан бирга пўлатга циклик қиздириб термик ишлов беришда ейилишга бардошлилигига таъсир этиши мумкин бўлган дислокация зичлигини ошириш масалалари етарлича ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқоти диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқотлар режасининг 1/18 - сонли “Пўлат қотишмаларидан тайёрланган

машинасозлик деталларининг ейилишга бардошлигини ошириш” мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган (2018-2020 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** циклик қиздириб термик ишлов беришдаги фаза ва структура ўзгаришини таъминлаш асосида пўлатдан тайёрланган деталларнинг ейилишга бардошлилигини ошириш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

пўлатларни дастлаб циклик қиздириб термик ишлов беришда ҳар бир қиздириш цикли учун сарф қилинган қиздириш вақтининг пўлат структурасига таъсирини ҳамда микро структура кўрсаткичларининг шаклланиш жараёнларини таҳлил қилиш;

дастлабки циклик қиздириб ишлов беришнинг пўлатнинг механик хоссаларига таъсирини ҳамда пўлат таркибидаги легирловчи элементларнинг қиздириш цикллари сонига ва вақтига боғлиқлик даражасини аниқлаш;

юқори частотали ток билан дастлаб циклик қиздириш ва тугалланган тоблаш ҳароратини доимий таъминловчи ток кучи ва кучланиш қийматларини аниқлаш;

тугалланган индукцион қиздириб тоблаш ва бўшатишдан кейин пўлатларнинг ейилишга бардошлилигига дастлабки циклик қиздириш ҳарорати ва вақтининг (фазали алмашиниш нуқтасидан пастда циклик қиздириш) таъсирини аниқлаш;

тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда майда модулли шестерня тишларининг эксплуатация муддатини ошириш учун ноанъанавий циклик қиздириб термик ишлов беришнинг такомиллаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 65Г маркали пўлатдан тайёрлаган майда модулли шестерня олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** циклик қиздириб термик ишлов бериш орқали пўлатлар кристалл структурасида дислокация зичлигини ва уларни тоблаш учун қулай бўлган бошланғич структурани шакллантириш, дислокация зичлиги, тоблашга қулай бўлган структура пўлатдан тайёрланган деталларнинг ейилишга бардошлилигини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида қотишмалардаги кимёвий элементларнинг таркибий миқдорини ва қотишма структурасини ўрганишда аттестацияланган кимёвий усул ва спектрал Shimadzu русумидаги Рентгенографик анализатор, Metrohm 850 Professional IC русумидаги ионн хроматограф, (SEM-EDX) маркали Zeiss EVO MA 10/AztecEnergyAdvanced X-Act сканерловчи электрон микроскопларнинг таҳлилий усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

65Г маркали пўлатни дастлаб уч марта циклик қиздириб ишлов берилганда  $\alpha$ -фазанинг кристалларидаги дислокация зичлиги юқори даражада бўлиши ҳамда тўлиқ пластиналар структура ҳосил бўлиши аниқланган;

қиздириш цикллари сонига, ҳароратларига ва совитишга боғлиқ ҳолда 65Г маркали пўлатни дастлаб 450-500 °С ҳарорат оралиғида уч марта циклик

қиздириб ишлов бериш натижасида қаттиқлиги юқори даражада бўлиши, мустахамлик чегараси ўсиши, зарбий қовушқоқлик қийматини ўзгармаслиги ҳамда легирловчи элементларнинг қиздириш цикллари сонига ва вақтига сезиларли даражада таъсир кўрсатмаслиги аниқланган;

юқори частотали ток билан дастлаб циклик қиздириш ва тугалланган тоблаш ҳароратини доимий таъминловчи ток кучи ва кучланиш қийматлари аниқланган;

турли ҳароратларда циклик қиздириб термик ишлов берилганда, кристалл тузилишдаги энг юқори нуқсонлилик даражаси қиймати барча термик ишлов бериш ҳароратининг циклик қиздириш вақти 4-5 сония оралиғида бўлган ҳолатга тўғри келиши аниқланган

дастлабки циклик қиздириб-совитиш ва тугалланган индукцион қиздириб тоблашдан фойдаланиб майда модулли шестерня тишларининг эксплуатация муддатини 30-40% га ошириш имконини берувчи юқори частотали токда циклик қиздириб термик ишлов беришнинг такомиллаштирилган технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

циклик қиздиришдан кейин индукцион тоблаш жараёнидан фойдаланган ҳолда бир-бири билан ишқаланиб ишловчи деталлар ишчи юзаларининг ейилишга бардошлилигини оширувчи циклик қиздириб термик ишлов бериш технологияси такомиллаштирилган;

майда модулли шестерня тишларининг эксплуатация муддатини оширувчи циклик қиздириб термик ишлов беришни юқори частотали токда индукцион қиздиришдан олдин дастлаб паст ҳароратда циклаб қиздириб совитиш тартиби ишлаб чиқилган;

тадқиқотнинг натижасида майда модулли шестерня тишларига циклик қиздириб термик ишлов бериш учун асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотнинг назарий натижалари ва хулосаларининг ишончлилиги олинган тадқиқот натижалари билан мутаносиб келиши, уларнинг умумий эътироф этилган илмий ғояларга мослиги, шунингдек пўлатдан тайёрланган деталларга термик ишлов бериш қонуниятларига мувофиқлиги, олинган натижаларнинг математик моделлаштириш асосида қайта ишлов берилиши билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пўлатни паст ҳароратларда юқори частотали ток ёрдамида циклик қиздириш натижасида структуравий ўзгаришининг қонуниятлари ўрганиб чиқилди. Циклик қиздириш вақти ва цикллари сонининг таъсири натижасида пўлатларда дислокация зичлигининг ошиши аниқланди, бунда ушбу дислокациянинг термик барқарорлиги аниқланди. Дастлабки қайта қиздиришда мазкур термик барқарор дислокация  $\alpha - \gamma - \alpha$  фаза алмашилишидаги янги дислокацияни юзага келтирувчи манба эканлиги аниқланди. Циклик қиздириш натижасида пўлатлар структурасида пластинасимон структуранинг шаклланиши, бу шаклланган структура термик барқарор бўлиши аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти майда модулли шестерня тишларининг, яъни деталнинг ўлчамларига, қиздириш вақтига ва ҳароратига



боғлиқ ҳолатда, майда модулли шестерня тишларининг ейилишга бардошлилигини таъминловчи, дастлаб циклик қиздириб, кейин индукцион усулда термик ишлов бериш технологиясини такомиллаштириш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пўлат маҳсулотларининг ейилишга бардошлилигини циклик қиздириб термик ишлов бериш усулида ошириш технологиясини такомиллаштириш учун олиб борилган илмий тадқиқотлар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ейилишга бардошлиликни ошириш учун кичик модулли майда шестерняларга термоциклик термик ишлов бериш технологияси «Агрегат заводи» АЖга жорий қилинган. («Ўзавтосаноат» АЖнинг 16.11.2020 йилдаги 09/06-25-1651-сон маълумотномаси). Натижа шестерня тишларининг ейилишга бардошлилигини 1,2-1,3 мартага ошириш имконини берган.

шестерняларга термик ишлов бериш учун тоблашда юқори частотали тоқлар билан термик ишлов бериш технологияси «Агрегат заводи» АЖга жорий қилинган. («Ўзавтосаноат» АЖнинг 16.11.2020 йилдаги 09/06-25-1651-сон маълумотномаси). Натижада электр энергиясининг сарфи 15-20% га камайган.

металл сарфини камайтириш учун кичик модулли майда шестерняларга термоциклик термик ишлов беришнинг янги тартиби «Агрегат заводи» АЖга жорий қилинган. («Ўзавтосаноат» АЖнинг 16.11.2020 йилдаги 09/06-25-1651-сон маълумотномаси). Термоциклик термик ишлов беришнинг мазкур режимларини қўлланилиши металл сарфини 12-15% га камайтириш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та халқаро илмий-техник ва илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуи бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган: жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 3 та Республика, 6 та Хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг жаҳон миқёсида долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифаси кўрсатилган, объекти ва предмети тасвирланган, республика илм-фан ва технологияларини ривожлантириш бўйича устувор йўналишларга мос келиши, илмий янгилиги ва тадқиқотнинг амалдаги натижалари кўрсатилган, эришилган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий этилиши, тадқиқот материаллари бўйича эълонлар кўрсатилган, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумот берилган.

Диссертациянинг «Қотишмаларга циклик қиздириб термик ишлов бериш технологияси» деб номланган биринчи бобида циклик қиздириб термик ишлов бериш натижаларининг таҳлили ўрганилган, бу усулда пўлатларни термик ишлов бериш устувор йўналиши усулида бўлиши асосланган.

Термик ишлов бериш соҳасида сўнгги йилларда чоп этилган материалларнинг таҳлили пўлатларни циклик қиздириб ишлов беришдан фойдаланган ҳолда уларнинг структураси ва хоссаларини яхшилашда циклик қиздириб ишлов беришдан кенг фойдаланилаётганлиги маълум бўлди. Пўлатларни циклик қиздириб термик ишлов бериш тартиби асосида айрим механик хоссалари оширилади, натижа одатда қабул қилинган тартибдан фойдаланилгандан анча юқори самара берган. Мазкур ишнинг мавзуси нуқтайиназаридан циклик қиздириб термик ишлов беришдан кейин ейилишга бардошлиликнинг ортиши билан боғланадиган ишларга алоҳида эътибор қаратилган. Кимёвий таркибини ўзгартирмасдан пўлатли маҳсулотларнинг ейилишга бардошлилигини таъминлаш мумкинлик имкониятлари кўриб чиқилди.

Самарали натижага пўлатларнинг табиати ва уларда содир бўладиган структура ўзгаришларининг ўзига хос хусусиятларидан фойдаланиш ҳисобига физик-кимёвий жараёнларнинг шиддатини ошириш имконини берувчи усуллардан фойдаланилган.

Ишнинг тўлиқ таҳлили термик ишлов бериш соҳасида циклик қиздириб термик ишлов бериш хусусида эълон қилинган илмий ишлар шундан далолат берадики, қотишмаларнинг хоссаларини ошириш учун қиздириб термик ишлов бериш технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Бироқ, ноанъанавий циклик қиздириб термик ишлов бериш технологияларининг турли тартибларини қўллаш учун назарий далиллар етарли эмаслиги маълум бўлди.

Циклик қиздириб термик ишлов бериш усули аустенитнинг қайта кристалланиш жараёни ҳали тугамаган ва донанинг ўсиши ҳали содир бўлмаган вақтда бир неча марта тезлаштирилган қиздириш ва совитиш ҳисобига диффузион айланиш механизмини устуворлиги ортади, структура доналарининг майдаланиши ва дислокацияларнинг қайта тақсимланишини ҳамда юқори ҳароратда индукцион қайта қиздирилиши ҳисобига барқарор (турғун) аустенит ҳосил бўлади. Фаза ўзгаришларининг ҳосил бўлиш ҳисобига структуравий ўзгаришларнинг тўпланиши натижасида пўлатларга термик ишлов беришнинг одатдаги турлари билан эришиб бўлмайдиган структурани олиши имкониятини беради.

Хусусиятларга эришиш нуқтайи - назаридан циклик қиздириб термик ишлов беришнинг самарадорлиги циклик қиздириб термик ишлов бериш тартиби, циклларнинг сони, қиздириш ва совитиш тезлиги, шунингдек пўлатнинг кимёвий таркиби билан белгиланади. Циклик қиздириб термик ишлов бериш тартиблари асосида полиморф ўзгариш шароитларида ҳам, бундай ўзгаришлар содир бўлмаганда ҳам, пўлатни қиздириш ва совитишда фаза ўзгаришларининг қонуниятларига асосланиши кузатилди.

Кам легирланган пўлатларнинг ейилишга бардошлилигини кўшимча ошириш муаммосини ҳал этиш учун пўлатларни дастлаб циклик қиздириб

ишлов бериш билан улардаги структура шаклланишининг ўзига хослигини ўрганиш, циклик қиздириб ишлов беришдан сўнг индукцион қиздириб тобланган пўлатлар структурасининг кўрсаткичлари ва металлнинг металл билан тирналиб ишқаланишда ейилишга бардошлилик кўрсаткичининг миқдорий нисбатини аниқлаш, ейилишга бардошлиликни ошириш учун пўлатнинг мавжуд имкониятидан максимал фойдаланиш имконини берувчи дастлаб циклик қиздириб тугалланган индукцион термик ишлов бериш технологиясини такомиллаштириш талаб қилинади.

Сўнгги фикр пўлатдан тайёрланган деталларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва таннархини пасайтириш талабларига тўлиқ жавоб беради.

Диссертациянинг «**Пўлатларга термик ишлов бериш тадқиқотининг объектлари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материалларини танлаш, термик ишлов бериш тартиби, таҳлил ва синаш усуллари келтирилган.

Тадқиқот объекти бўлиб, саноатда куйма ҳолатда олинган 40Х, 55С, 65Г, 60С2ХА маркали пўлат намуналари ҳисобланади. Асосий фойдаланувчи объект сифатида 65Г маркали пўлат танлаб олинган, қолган пўлатлар тадқиқотнинг қайсидир муаммоларини ечишда фойдаланилган. Эталон материал сифатида армко-темир намунасида фойдаланилди.

Тажрибалар юқори частотали токда қиздириб ўтказилди, бунда вақт бир неча сониядан 20 сониягача белгиланди, циклик қиздириш учун диаметри Ø20 мм, баландлиги 7 мм ўлчамдаги намуналар тайёрланди. Термик ишлов бериш учун қиздиришда ЛЗ107 маркали юқори частотали токда қиздирувчи қурилмадан фойдаланилди. Циклик қиздириб термик ишлов беришдаги ҳарорат - вақт тушунчасини баҳолаш учун махсус кўрсаткичларни тез аниқлайдиган термо паралардан фойдаланилди.

Намуналарни циклик қиздириш 450°, 550°, 700 °С ҳароратларда ўтказилиб, ҳавода совитилди. Такрорий фазали қайта кристалланиш доимий ҳар бир пўлат учун  $As_3 + 30 \div 50$  °С ҳароратгача қиздириш орқали амалга оширилди, бизнинг тадқиқотлар учун тугалланган қиздириш 900 °С ҳароратда мойда совитиб тоблаш, 180 °С ҳароратда қиздириб, ҳавода совитиш билан амалга оширилди.

Металлографик таҳлил Metrohm 850 Professional IC русумидаги ионн хроматограф, (SEM-EDX) маркали Zeiss EVO MA 10/AztecEnergyAdvanced X-Act сканерловчи электрон микроскопларда  $\times 100$  дан 1000 гача катталаштирилиб ўрганилди.

Майин структуранинг ҳолати рентгенографика ёрдамида аниқланди. Рентгенограммалар спектрал Shimadzu русумидаги Рентгенографик анализаторида худди ўша пўлатларнинг эталонларини қўллаган ҳолда олинди. Темир анодининг нурланишидан фойдаланилди. Рентген чизиқларининг физик кенлиги аппроксимация усулида тўғирланадиган графиклар ёрдамида аниқланди.

Намуналарнинг қаттиқлигини ТШ-2М ва ТК-2 қаттиқлик ўлчайдиган асбобларда аниқланди. Намуналарнинг зарбий қовушқоқлиги ГОСТ 9454-78 га биноан ва тавсияларга мувофиқ  $10 \times 10 \times 55$  ўлчамдаги стандарт намуналарда МК-15 маятникли копёр ёрдамида аниқланди.

Ейилишга бардошлиликни синаш пўлат намуналари маҳкамланмаган абразив материалларда ишқаланишида ва металлни металл билан ишқаланиши натижасидаги ейилишидан аниқланди.

Диссертациянинг «**Ейилишга бардошлиликни оширишнинг мезонлари ва циклик қиздириб ишлов бериш ҳароратининг пўлат структурасига таъсирини тадқиқот қилиш**» деб номланган учинчи бобида турли ҳароратларда циклик қиздирилгандан кейинги турлича совитишда – печда (юмшатиш) ва ҳавода совитиш, индукцион қиздириб тоблашдан кейин пўлатларда ҳосил бўладиган микро ва майин структурасининг тадқиқот материаллари берилган.

Мазкур қисмда пўлатларнинг ейилишга бардошлилигини оширишнинг мезонлари ва технологик тадбирлари кўрсатилган, пўлатларни анъанавий тарзда юмшатиш ҳароратида юмшатирилгандан кейинги ўзгаришлар, юқори частотали токда циклик қиздириб термик ишлов бериш тартибини такомиллаштириш усуллари, кучли карбид ҳосил қилувчи элементлар бўлмаган углерод миқдори 0,60% атрофида бўлган кам углеродли пўлатларга турли ҳароратларда циклик қиздириб ишлов бериш натижалари келтирилган.

Ўрганилган асосий маълумотлар шуни кўрсатдики, пўлатлар бошланғич структурасининг ейилишга бардошлиликка таъсирларидан бири пластиналар структуралар ҳосил қилиши маълум қилинган. Кўриш мумкинки, ейилишга бардошлиликни ошириш бўйича технологик тадбирлар ишқаланишда камроқ даражада трансформацияланадиган мустаҳкам бирламчи структураларни яратишга йўналтирилган.

Кўпгина ҳолларда намуналар анъанавий тартибда юмшатиш ҳароратида юмшатирилгандан кейин турли углерод миқдорига эга бўлган, фақат перлит миқдори билан фарқ қилувчи, тенг тақсимланган структурали пўлатлар олинган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, қиздирилган пўлатнинг ейилиш қиймати техник темир билан солиштирилганда, структурадаги перлит миқдорининг ортиши билан чизиқли қонун бўйича камаяди:  $\Delta Q = 7.3 - 0.047 \%п.$


Пўлатларни юқори частотали ток ёрдамида қиздириш билан пўлатнинг исталган чуқурликкача бўлган қатламда товланиши, иш унумдорлиги ва термик ишлов берилган деталларнинг механик ва эксплуатацион хоссалари юқори бўлиши, деталл юзасида куйинди ҳосил бўлмаслиги ва исталган шаклдаги деталларнинг юза қисмини тоблаш имконини бериши термик ишлов беришда қўллаш мумкинлигига асос бўлади.

Циклик қиздириб ишлов беришнинг термик ишланишга қулай бўлган структурани ҳосил қилувчи тартиби танлаб олиниб, юқори частотали ток ёрдамида индукцион қиздириш усулида термик ишлов бериш таклиф этилди.


Қўлланилган пўлатларнинг диаметри  $\varnothing 20$  мм ва баландлиги 7 мм ўлчамдаги намуналари Л3107 маркали юқори частотали ток ёрдамида қиздириш қурилмасининг текис қизийдиган индукторда қиздириш амалга оширилди. Қиздириш вақти қуйидагича белгилаб олинди: 450 °С ҳароратгача - 5,5 сония; 550 °С ҳароратгача - 7 сония; 700 °С ҳароратгача - 11 сония; 800 °С ҳароратгача – 14 сония; 800 °С ҳароратгача - 17,5 сония.

Циклик қиздириб ишлов берилган пўлатларни тугалланган совитиш ҳаво узатиш воситасида совитилиши, дастлабки структуранинг пластинали структура ҳолатида шаклланишига кўмаклашади. 1-расмда 65Г маркали пўлатнинг 450 °С ҳароратда циклик қиздириб ишлов бериш натижасида тўлиқ пластинали структура шаклланганлигини кўриш мукин. Қолган циклик қиздириш ҳароратларида бундай тўлиқ шаклланган пластинали структура кузатилмади.

Критик ҳароратгача бўлган ҳароратлар оралиғида дастлаб циклик қиздириб ишлов беришдан кейин 65Г маркали пўлатнинг кристалл тузилишидаги нуқсонлилик даражаси цикллаш ҳарорати ва циклларнинг сонига кам боғлиқ бўлди (2-расм). Ас<sub>1</sub> критик ҳароратдан паст ҳароратда қиздириш ва тугалланган совитиш ҳаво ёрдамида амалга оширилганда структура ва кристалл тузилишидаги нуқсонлилик даражасида унчалик катта ўзгаришлар кузатилмади.




×1000  
а



×1000  
б

**1-расм. 65Г маркали пўлатнинг 450 °С ҳароратда циклик қиздирилган ва ҳаво билан совитилгандан кейинги микроструктураси.**

а – 3 - циклда қиздириш. Пластинали перлит; б – 5 - циклда қиздириш. Пластинали ва донали перлит аралашмаси



**2-расм. 65Г маркали пўлатни турли ҳароратларда циклик қиздириб ишлов беришнинг кристалл тузилишидаги нуқсонлилик даражасининг ўзгаришига таъсири**

Дастлаб турли ҳароратларда циклик қиздириб тугалланган индукцион термик ишлов берилган пўлат структурасининг ҳолати тадқиқот таҳлили шуни кўрсатадики, критик ҳароратгача бўлган ҳароратлар оралиғида циклик қиздириб термик ишлов беришдан кейин 65Г маркали пўлатнинг кристалл тузилишининг нуқсонлилик даражаси цикллар ҳарорати ва циклларнинг сонига кам миқдорда боғлиқ бўлади. Ас<sub>3</sub> критик ҳароратдан юқори ҳароратда индукцион қиздириш ва тугалланган совитиш ҳаво ёрдамида амалга оширилганда деярли ўзгаришсиз структура ва кристалл тузилишидаги нуқсонлилик даражаси нисбатан турли ҳолатда бўлиши аниқланди. Аниқ натижалар тугалланган индукцион қиздириб тоблаш ва паст ҳароратда қиздириб бўшатишда аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

65Г маркали пўлатни дастлаб циклик қиздириш, тугалланган индукцион тоблаш ва 180 °С ҳароратда бўшатишдан кейинги кристалл тузилишининг нуқсонлилик даражаси ўзгариши (рентген чизигининг физик кенглиги 220)

т/р	Циклар сони	Рентген чизигининг физик кенглиги $\beta \cdot 10^{-3}$ рад	Ўртача қиймат $\beta \cdot 10^{-3}$ рад	Қаттиқлик, HRC
450 °С ҳароратда қиздиришда				
1.	1 цикл	63,4; 64,45	66,42	59,5
3.	3 цикл	64,5; 71,68; 70,36	68,91	60
5.	5 цикл	73,9; 69,0; 69,5	70,8	59,5
550 °С ҳароратда қиздиришда				
1.	1 цикл	73,4; 63,9; 62,17	66,49	58,5
3.	3 цикл	67,57; 65,73; 64,98	66,09	59,5
4.	5 цикл	69,48	69,48	59
700 °С ҳароратда қиздиришда				
1.	1 цикл	71,69; 69,0	70,0	59,5
2.	3 цикл	63,66; 64,0	63,87	60
3.	5 цикл	63,0	63,0	59
800 °С ҳароратда қиздиришда				
1.	1 цикл	60,5	60,5	59
2.	3 цикл	63,9	63,9	59
3.	5 цикл	60,76; 62,99	61,87	59,5
4.	Дастлабки намунани тоблаш + бўшатиш 180°С	64,98	64,98	59,5

Аниқланган натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, пўлатларни дастлаб 450 °С ҳароратда 3-5 маротаба циклда қиздиришни ўтказишда сезиларли афзалликларни кўриш мумкин. Дастлаб циклик қиздириб ишлов беришнинг бошқа ҳароратларида кристалл тузилишдаги нуқсонлилик даражаси паст ёки бу ҳодиса беқарор бўлиб чиққан (масалан, 550 ва 700 °С).

Олинган самарали натижаларни циклик қиздириш ёрдамида тезлик билан иссиқлик алмашилиши ҳисобига микропластик деформацияланиш учун шароит яратилганлиги билан тушунтириш мумкин. Иккинчи фазанинг ҳосил бўлиши натижасида термик ишлов бериш фазаларининг имкониятлари кенгайиши ҳисобига микропластик деформацияланишнинг ҳосил бўлишига кўмаклашади. Натижада, дислокация структурасининг ривожланиши содир бўлади, ҳароратнинг кўтарилиши эса полигонлашишга олиб келади. Полигонлашган структурада, гарчи кристалл тузилишнинг юқори нуқсонлилик даражасига эга бўлмасда, юқори иссиқликда барқарорликни таъминлайди.

Бир марталик полигонлашган структура айланиш нуқтасидан юқори ҳароратда қайта қиздириш дислокациялар зичлиги юқори бўлган структуранинг ҳосил бўлишини таъминлайди.

450°C ҳароратда дастлаб циклик қиздириб ишлов берилганда қайта кристалланиш шиддат билан содир бўлади, полигонлашган структура ҳосил бўлмайди.

Бироқ 450°C ҳарорат билан дастлаб циклик қиздириб, тугалланган индукцион тобланиш натижаларини, одатдаги индукцион қиздириб тобланишдаги натижаларга қиёсланганда, дислокация зичлигининг сезиларли даражада ортиши аниқланмади. Қаттиқлиги бир хил 59-60 HRC бўлганда рентген чизиғи физик кенглигининг фарқи  $5 \cdot 10^{-3}$  рад. бўлди.

Ейилишга бардошлиликка синовларнинг натижалари намуналарнинг микро ва майин структура тадқиқот натижалари билан мос келади. Намуналар дастлаб турли ҳароратда циклик қиздириб, индукцион қиздириб термик ишлов берилишидан бир хил микроструктура, бир хил донанинг ўлчами ва қаттиқлик ҳосил бўлди, фарқи кристалл панжаранинг нуқсонлилик даражасида бўлди. Ушбу фарқ ейилишга бардошлиликка синовларда таъсирини кўрсатади. Ейилишга бардошлиликка синовларнинг натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал


65Г маркали пўлатни турли ҳароратлар ва тартибларда термик ишлов бериш унинг ейилиш бардошлилигига таъсири

Термик ишлов беришнинг тури ва қиздириш ҳарорати, °C	Ейилиш, мг		Қаттиқлиги, HRC	Ейилишни юқориги ва пастки намуналарнинг йиғиндиси, мг	Ейилиш, % ҳис.
	Юқориги намуна	Пастки намуна			
900 °C ҳароратда индукцион тобланиш, 180 °C ҳароратда бўшатиш	59,07	29,06	53,5-60		
	65,0	28,86	53,5		
	61,53	28,78	58-69		
	58,36	27,34	59		
Ўртача арифметик қиймати	60,86	28,51	59	89,37	100


450 °C ҳарорат билан 3 та цикл, 900 °C ҳароратда индукцион тоблаш, 180 °C ҳароратда бўшатиш	46,09 49,30 40,02 38,0	22,14 23,09 24,49 24,01	59 59 58 59		
Ўртача арифметик қиймати	43,35	23,43	59	66,78	75
550°C ҳарорат билан 3 та цикл, 900 °C ҳароратда индукцион тоблаш, 180 °C ҳароратда бўшатиш	60,33 36,01 54,26 59,12	22,05 24,15 25,13 27,02	59 59 59 59		
Ўртача арифметик қиймати	57,55	24,58	59	82,14	92

2-жадвалда келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, 65Г маркали пўлатни дастлаб 450 °C ҳарорат оралиғида 3 мартаба циклик қиздириб, ҳавода совитиш, 900 °C ҳарорат оралиғида индукцион қиздириб тоблаш ва 180 °C ҳарорат оралиғида 60 дақиқа давомида қиздириб бўшатишда ҳосил бўлган ейилишга бардошлилик қиймати бошқа термик ишлов берилган турларга нисбатан 25 - 30 % юқори бўлиши аниқланди.

Пўлатларнинг структуравий таҳлили шуни кўрсатдики, дастлаб циклик қиздириб, индукцион термик ишлов беришнинг барча ҳолатларида юқори қаттиқликка эга бўлган мартенсит структура ҳосил бўлиши кузатилди (3-расм). Мартенсит пластиналарининг ўлчами тоблаш учун қиздирилган ҳароратга боғлиқ бўлиши маълум бўлди. Дастлаб циклик қиздиришнинг 450 °C ҳароратини аустенит донасини ва мартенсит пластинасини ўлчамига таъсир кузатилмаган. Аустенит донасининг ҳароратлар таъсирида ўзгариши тоблаш натижаларига катта таъсир кўрсатди.



3 - циклда қиздириш (×1000)




5 - циклда қиздириш, (×1000)

**3-расм. 65Г маркали пўлатни дастлаб 450 °C ҳароратда бир неча циклларда қиздириш, ҳаво билан совитиш, 900 °C ҳароратда тугалланган индукцион қиздириб тоблаш ва 180 °C ҳароратда қиздириб бўшатишдан кейинги микроструктураси**



Турли ҳароратларда индукцион қиздириб, термик ишлов берилган пўлат намуналарнинг рентгеноструктуравий таҳлиллари шуни кўрсатадики, пўлатнинг тоблашдан кейинги кристалл тузилишининг нуқсонлилик даражаси циклик қиздириш вақтига боғлиқ бўлар экан (4-расм).

4-расмда келтирилган маълумотлар таҳлил қилинганда, дастлаб циклик қиздирилиб, турли ҳароратларда термик ишлов берилганда, энг юқори кристалл тузилишининг нуқсонлилик даражаси қиймати барча термик ишлов бериш ҳароратининг циклик қиздириш вақти 4-5 сония бўлган ҳолатга тўғри келиши маълум бўлди, бу қиздирилаётган деталнинг каталигига қараб ўзгариши мумкин.



**4-расм. Пўлатлар кристалл тузилишининг нуқсонлилик даражаси қийматининг пўлатларни циклик қиздириб тоблаш вақтига боғлиқлик натижалари**

Диссертациянинг «Циклик қиздириб индукцион термик ишлов берилган пўлатларнинг механик хоссаларини тадқиқот қилиш ва уларни ейилишга бардошлиликка ҳамда эксплуатацион шароитда синаш» деб номланган тўртинчи бобда циклик қиздириб термик ишлов беришнинг тобланувчан структурасини ҳосил қилиш тартиби асосида юқори углеродли пўлатларнинг механик, ейилишга бардошлилик хоссаларига таъсирини ўрганиш, танланган технологиянинг эксплуатация шароитидаги синов натижалари таҳлили келтирилган.

Тобланган ва паст ҳароратда қиздириб бўшатишган 65Г маркали пўлатни дастлаб циклик қиздириб, тугалланган тоблашдаги механик хоссасининг ўзгаришини ўрганиш учун ўтказилган тадқиқотлар дастлаб циклик қиздириб, кейин индукцион қиздириб, тобланган намуналарнинг мустаҳкамлик чегараси қиймати, анъанавий усулда индукцион қиздириб, тобланган намуналарнинг мустаҳкамлик чегараси қийматидан анча катта бўлиши маълум бўлди, бунинг қиймати фарқи 10% гача бўлиши кузатилди. Мустаҳкамлик чегараси қиймати ошишига зарбий қовушқоқлик қийматини камайтирмасдан эришиш мумкинлиги аниқланди.

Тадқиқот натижаларини қиёслаш учун «Агрегат заводи» АЖ шароитида нитроцементацияланган ва термик ишлов берилган 18ХГТ маркали пўлатдан тайёрланган намуналардан фойдаланилди.

Қаттиқликни ўлчаш натижалари намуналарнинг ўлчов жойига қараб ҳар хил қийматда бўлганлигини кўрсатган: намуна майдонининг ўрта қисмларида 60 HRC қаттиқликка, намунанинг чеккасида 54 HRC дан 60 HRC гача бўлган нотекис қаттиқликка эга бўлди. Шу боис намуналарнинг бир қисмини 53-54 HRC ва 55-56 HRC бир текис бир хил қаттиқликкача қўшимча бўшатишга қарор қилинган. Бундай ишов бериш бир хилда қаттиқлик ҳосил қилингандаги ейилишга бардошлиликка баҳо бериш имконини беради, масалан майда модулли шестерня чизмасида келтирилган талабларга ҳам мос келади.

Натижаларни қиёслаш учун 65Г маркали пўлатдан тайёрланган майда модулли шестерня тишлари қуйидаги термик ишлов бериш тартибидан ўтказилди:

1. 400-500°С ҳарорат оралиғида циклик қиздириш, 80-100°С ҳароратгача ҳавони пуфлаб совитиш билан амалга оширилди. Анод кучланиши 6,5 кВ, анод токи 5,5 А, токнинг қиймати 0,55 А бўлганда 450°С ҳароратгача қизиш кузатилди, қизиш тезлиги – 3-4 сония. Ҳаво билан пуфлаш воситасида 80-100°С ҳароратгача совитиш вақти - 2 дақиқа 20 сонияга тенг бўлди, циклар сони 3 маротабага тенг.

2. Циклик қиздириб ишлов берилгандан кейинги индукцион тоблаш тартиби: анод кучланиши 9 кВ, анод токи 8,5 А, токнинг қиймати 0,8-1,8 А бўлганда 900 °С қизиш кузатилди, қизиш тезлиги – 7 сония, совитиш муҳити – мойда.

3. 180-200 °С ҳарорат оралиғида 60 дақиқа давомида селитрани ваннада қиздириб, ҳавода бўшатиш.

Термик ишлов беришнинг бу тартиби натижасида 65Г маркали пўлатдан тайёрланган шестерня тишлари структурасида аустенит донасининг ўртача диаметри  $d_{\text{ўрт}} = 0,055$  тенг бўлди, бу 5-6 баллга тўғри келади, тишнинг чўққиси эса  $d_{\text{ўрт}} = 0,0927 - 0,0729$  мм тенг бўлган, ГОСТ бўйича бу 4-5 баллга тўғри келади, шестерня тишларининг юза қисмларининг юпқа қатламида тобланган мартенсит структурали қопламалар ҳосил қилинди.

Тадқиқот натижаларининг қиёсий таҳлили майда модулли шестерня 65Г маркали пўлатдан тайёрланиб, дастлаб циклик қиздириб термик ишлов берилган шестерня тишларининг ейилишга бардошлилиги аъъанавий тарзда индукцион қиздириб тобланган шестерняникига нисбатан 1,3÷1,4 маротаба, нитроцементацияланган 18ХГТ маркали пўлатнинг ейилишга бардошлилигига нисбатан 1,2÷1,3 маротабага юқори бўлиши аниқланди.

Шундай қилиб, пўлатдан тайёрланган деталларни дастлаб циклик қиздириб, кейин индукцион қиздириб тоблашда юқори даражадаги хоссаларни таъминлаши технологик томондан қулай бўлганлиги учун ишлаб чиқаришга тавсия қилиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалда жорий қилиниши майда модулли шестерня тишларини дастлаб 3 маротаба паст ҳароратда циклик қиздириб ҳавода

совитиш, тугалланган индукцион тоблаш ва паст ҳароратда бўшатиш тартиби ишлаб чиқаришга жорий этилди, бу деталларнинг ейилишга бардошлилигини 1,3-1,4 баробарга оширди. Ушбу натижалар «Агрегат заводи» акционерлик жамияти корхонасига жорий этилди.

## ХУЛОСА

1. 65Г маркали пўлатни дастлаб 450-500°C ҳарорат оралиғида уч маротаба циклик қиздириб, ҳавода совитиш натижасида  $\alpha$ -фазанинг кристалларидаги дислокация зичлиги юқори даражада бўлиши аниқланган. Бу 65Г маркали пўлатнинг эксплуатацион хоссаларининг юқори даражага ошишига хизмат қилади.

2. 65Г маркали пўлатни дастлаб 450-500°C ҳарорат оралиғида уч маротаба циклик қиздириб, ишлов бериш натижасида тўлиқ пластинали структура ҳосил бўлиши аниқланган. Пластинали структура пўлатлар механик хоссаларининг ошишига хизмат қилади.

3. 65Г маркали пўлатни дастлаб 450-500°C ҳарорат оралиғида уч маротаба циклик қиздириб, ишлов бериш пўлатнинг механик хоссасига юқори даражада таъсир кўрсатиши аниқланган. Натижада пўлатнинг қаттиқлиги юқори даражада бўлишига, мустаҳкамлик чегарасининг 10% гача ўсишига, зарбий қовушқоқлик қийматини ўзгармасдан сақлаб қолиш имконини берди.

4. Юқори частотали ток билан 450 °C ҳароратгача циклик қиздириш учун  $U = 6,5$  кВ.,  $I = 0,55$  А, 900 °C ҳарорат қиздириб тоблашнинг  $U = 9$  кВ.,  $I = 0,8-1,8$  А ток кучида таъминланиши аниқланган. Олинган натижалар тоблашнинг индукцион қиздириш ҳароратини тўғри белгилашга хизмат қилади.

5. «Агрегат заводи» АЖ учун қишлоқ хўжалиги техникаларида қўлланиладиган металлни металл билан ишқаланиш шароитларида ишлайдиган майда деталлар учун дастлаб циклик қиздириб, термик ишлов бериш тартиби ишлаб чиқилган. Натижада электр энергиясининг сарфи 15-20% га камайишига эришилди.

6. 65Г маркали пўлатнинг кристалл тузилишдаги энг юқори нуқсонлилик даражаси қиймати 450°C ҳароратнинг циклик қиздириш вақти 4-5 сония оралиғида бўлган ҳолатга тўғри келиши аниқланган. Натижа пухталаш технологик жараёнини 2-2,5 соатгача қисқартириш ҳамда ейилишга бардошлилигини 1,2-1,3 мартагача ошириш имконини берди.

7. «Агрегат заводи» АЖ учун қишлоқ хўжалиги техникаларида қўлланиладиган металлни металл билан ишқаланиш шароитларида ишлайдиган майда деталлар учун дастлаб циклик қиздириб, термик ишлов беришнинг такомиллаштирилган тартиби ишлаб чиқилган. Натижада майда модулли шестерня тишларининг эксплуатация муддатини 30-40% га ошириш имкони яратилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/03.12.2019.Т.03.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**

**ЮСУПОВ АБДУЛАЗИЗ АБДУЛЛАЖАНОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПОВЫШЕНИЯ  
ИЗНОСОСТОЙКОСТИ СТАЛЬНЫХ ИЗДЕЛИЙ МЕТОДОМ  
ТЕРМОЦИКЛИЧЕСКОЙ ОБРАБОТКИ**

**05.02.01. – Материаловедение в машиностроении. Литейное производство.  
Термическая обработка и обработка металлов давлением. Metallургия  
чёрных, цветных и редких металлов. Технология редких, редких и  
радиоактивных элементов (Литейное производство и обработка металлов)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ  
(PHD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.4.PhD/T1432.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.  
Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб – странице ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) и информационно – образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** Бердиев Дороб Муротович  
доктор технических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** Норхуджаев Файзулла Рамазанович  
доктор технических наук, профессор

Рискулов Алимжон Ахмаджанович  
доктор технических наук, профессор

**Ведущая организация:** Навоийский государственный горный институт


Защита диссертации состоит «18» июня 2021 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.03.04 Ташкентского государственного технического университета (Адрес: 100095, г.Ташкент, ул. Университетская, 2.Тел./факс: (99871)227- 10-32, e-mail: [tadqiqotchi@tdtu.uz](mailto:tadqiqotchi@tdtu.uz))


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрирована за № 209) (Адрес: 100095, г.Ташкент, ул. Университетская, 2.Тел./факс: (99871)227-10-32)

Автореферат диссертации разослан «5» июня 2021 года  
(реестр протокола рассылки №123 от «5» июня 2021года )



  
**К.А. Каримов**  
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

  
**Ш.Б. Ташбулатов**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии по техническим наукам. (PhD)

  
**Ф.С.Абдуллаев**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (автореферат диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день в машиностроении в мировом масштабе при производстве и поставке запасных частей для сельскохозяйственной техники одной из важных задач является увеличение срока их службы. Повышение износостойкости стальных изделий связано с использованием технологии циклической обработки и с обеспечением изменения плотности дислокаций, влияющих на устойчивость к трению основных рабочих поверхностей. В связи с этим важно разработать энергосберегающую и циклическую термообработку стальных деталей на основе изменения при этом частоты тока, что обеспечивает экономию энергии и ресурсов.

Во всем мире проводятся целевые научно-исследовательские работы по улучшению свойств стали при нагреве путем термической обработки посредством фазовых превращений. В то же время все большее значение приобретает разработка энергосберегающих технологий, основанных на замене электроэнергии, используемой в процессах термообработки, нетрадиционными методами. В связи с этим одной из актуальных задач является совершенствование методов и технологий термообработки на основе обеспечения фазовых и структурных изменений для повышения коррозионной стойкости и срока службы деталей с применением токов высокой частоты без добавления легирующих элементов.

В республике ведутся широкомасштабные работы по повышению механических свойств и устойчивости деталей машиностроения, повышению их износостойкости с помощью термической обработки, по сокращению расхода металла путем совершенствования технологий циклической термообработки. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан за 2017 - 2021 годы намечена задача: «... освоение принципиально новых видов продукции и технологий...». С этой точки зрения, важно совершенствовать ресурсо- и энергосберегающие методы и технологии термообработки, основанные на обеспечении фазовых и структурных изменений.

Настоящее диссертационное исследование в определенной мере служит для реализации задач, намеченных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-3117 от 7 июля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию научно-технической базы машиностроения в сельскохозяйственной отрасли», ПП-3459 от 4 января 2018 года «О дополнительных мерах по дальнейшему повышению уровня технической оснастки сельскохозяйственной отрасли» и ПП-3712 от 10 мая 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию механизмов по своевременному обеспечению сельскохозяйственной отрасли сельскохозяйственной техникой» и в других нормативно-юридических документах, относящихся к данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Настоящее исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий в республике II. «Энергетика, энергосбережение и ресурсосбережение».

**Степень изученности проблемы.** Ведущими учеными мира, в частности, американскими исследователями В.Ф. Закеем, Е.Р. Паркером, Ф.Б. Пикерингом установлено, что при циклическом нагреве сталей в высоких температурах фазовые превращения влияют на их свойства. Английские исследователи Ж. Ивенсон и А. Филловин открыли фундаментальные закономерности фазовых превращений при нетрадиционной циклической термообработке. Канадский ученый Ж.Д. Эмбьюри для повышения свойств сталей предложил способы нетрадиционной термической обработки. Индийские исследователи Ravi Kiran U., Jalaj Kumar, Vikas Kumar разработали технологию повышения ударной вязкости малоуглеродистых сталей.

